

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Химояга рухсат»
кафедра мудири
Проф. Нишанов А.Х.

“ ___ ” _____ 2013 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Хусусий уй-жой ширкатлари ахборот тизимини яратиш”

Битирувчи	_____	<u>Сафарзода Ф.Б.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Раҳбар	_____	<u>Туляганов М.Ш.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Такризчи	_____	_____
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
ХФХ буйича маслаҳатчи	_____	<u>Кодиров Ф.М.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	8
I ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ.....	10
1.1. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий коидалари.....	10
1.2. Уй-жой ширкатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунларини тавсифи.....	13
1.3. Шахсий компьютерлар асосидаги АИЎ принциплари тахлили.....	17
1.4. АИЎ нинг тил воситалари.....	21
1.5. АИЎ ни синфларга ажратиш	24
1.6. Масаланинг қўйилиши.....	26
II АСОСИЙ ҚИСМ.....	29
2.1. Дастурлаш муҳити Microsoft Visual Studio 2005 муҳитида ишлаш.	29
2.2. Дастурлаш технологияси. С# тили.....	34
2.3. Фойдаланувчига қўлланма...	38
III Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	48
3.1. Меҳнат хавфсизлигининг эргономик асослари.	48
3.2. Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш.	50
3.3. Фавқулодда вазият ва улардан муҳофазаланиш.	55
ХУЛОСА.	60
АДАБИЁТЛАР.	61
ИЛОВА.	62

Мазмуннома

Ушбу битирув-малакавий ишини бажаришдан мақсад, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун ахборот тизимини дастурий таъминотини ишлаб чиқишдир.

Дастур жадал суръатда, кўрсатилган хизматлар, қарздорлар тўғрисида маълумотларни олиш ва ишлов бериш ва уй категориялари ва хонадонлар майдонларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб олиб бориш имконини беради.

Дастур C# тилида ва Visual Studio 2005 муҳитида яратилган.

Аннотация

Данная выпускная квалификационная работа посвящена разработке программного обеспечения информационно-поисковой системы сотрудника жилищно-эксплуатационного предприятия частных собственников.

Программа дает возможности оперативно получить и обработать информацию об оказанных услугах, о должниках, производить расчеты исходя из категории домов и о полезной площади квартир.

Программа создана на языке C# в среде Visual Studio 2005.

The summary

The given final qualifying work is devoted to development of the software of the automated workplace of the employee of the housing-operational enterprise of private proprietors.

The program gives an opportunity operatively to receive and process the information on the rendered services, on debtors, to make calculations proceeding from a category of houses and about the useful area of apartments.

The program is created in language C# in Visual Studio 2005 environment.

КИРИШ

Ҳаммага маълумки, ахборот технологияларининг амалда, инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларига кириб бориши жараёни борган сари чуқурлашиб ва ривожланиб бормоқда. Одатдаги холдек бўлиб қолган ва умумий сони юз миллионлардан ҳам ошиб қолган кенг тарқалган шахсий компьютерлардан ташқари, ҳар хил қўшимча ҳисоблаш техникаси воситалари ҳам кўпайиб бормоқда.

Бир томондан, ахборот технологиялари борган сари мураккаблашиб бормоқда, ва шунинг учун нафақат уларни тадқиқ қилиш, балки борган сари ривожлантириш учун чуқур билим талаб қилинади. Бошқа томондан эса, фойдаланувчи билан компьютер орасидаги ўзаро мулоқот, интерфейс содалашади. Компьютер ва ахборот тизимлари бир-бири билан борган сари “дўстона” ва бу ҳисоблаш техникаси ва информатика соҳада мутахассис бўлмаган инсон учун ҳам тушунарли бўлиб бормоқда. Бу эса авваламбор, фойдаланувчи ва уларнинг дастурлари, ҳисоблаш техникаси билан махсус (тизимли) дастурий таъминот орқали-мулоқат қилади.

Замонавий ахборот технологияларининг етарлича мукамал ишланганлиги туфайли маълумотларни алмашиш ва маълумотлар базасини тузиш имкониятини енгиллаштирди. Бунда Интернет тармоғининг ўрни ҳам катта. Интернет жаҳон бўйича компьютерлар тармоқларидан тузилган яхлит тармоқ бўлиб, унда ягона “тил” – андоза – қоидалар мажмуи асосида маълумот алмашинади. Интернет XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Ушбу кашфиёт туфайли жазондаги миллионлаб компьютерлар ягона тармоқга бирлаштирилди

Битирув малакавий ишини бажаришдан мақсад, аҳоли уй жойларига хизмат кўрсатиш корхонасининг автоматлаштирилган маълумотлар базаси тизимини замонавий C# дастурлаш тилида яратишдан иборатдир. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ва хулоса қисмларидан иборат бўлиб.

Асосий қисмда - масаланинг қўйилиши, автоматлаштирилган ишчи ўринлари, дастур таъминотига қўйиладиган талаблар, фойдаланувчига қўлланма, дастурчига қўлланма, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қисмида эса - хусусий компьютерда ишлаганда электр хавфсизлиги қоидалари, ёнгин хавфсизлиги, кўриш толиқиши, асаб ва суяк-мускул зўриқиши профилактикаси ҳақида умумий маълумотлар берилган.

I ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ

1.1. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий коидалари

Узбекистон Республикасининг мулкчилик тугрисидаги, корхоналар тугрисидаги, хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чикариш тугрисидаги ва бошка бир катор меъёрий хужжатларда куп укладлилик асослари белгиланиб, улар мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини қарор топтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимояланиши, хусусий мулкни янада ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилгандир.

Товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошкариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мазкур меъёрий хужжатларда кенг ёритиб берилган.

“Узбекистон Республикасида мулкчилик тугирисида”ги (1990 йил 31 октябрь) Қонунида белгилаб қуйилган мулк шакллариға мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналарға булинади:

- Узбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкиға асосланган корхоналар;

- жамоа (ширкат) мукиға асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чикариш кооперативлари; кооперативларға қаршли корхоналар, акцияли жамиятларға, масъулиятли чекланган жамиятларға, узга хужалик жамиятлари ёки ширкатларига қаршли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларининг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошка шакллариға асосланган корхоналар;

- давлат мулкиға асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят,

нохиялараро, нохия, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошка турлари;

- тула ёки улуш кушиб иштирок этишга асосланган (кушма корхоналар) республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар;

- мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар.

Мулкчилик шаклларида катъий назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига (4 мавзуда ёритилган) киритилган, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг узига ҳос жихатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик (бундан кейин **тадбиркор** деб аталади) фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек рағбатлантириш йуллари “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тугрисида” (1991 йил 15 февраль) ва “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тугрисида”ги (1995 йил 21 декабрь) Қонунларида уз аксини топди.

Мазкур Қонунлар тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига қанолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошка корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий қанолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик тугрисидаги меъёрий ҳужжатлар мулкчилик ва ҳужалик юритиш шакллари эркин танлаш, бу шаклларнинг

тенгхукуклилик асосида амал қилиши, узаро ҳамкорлик ва эркин ракобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кумаклашади.

Хуш, тадбиркорликнинг узи нима? Унинг фаолиятини амалга ошириш асослари ва ривожлантиришнинг асосий қоидалари нималардан иборат?

Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг фойда олиш максатида таваққал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иктисодий фаолият курсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

- тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

- тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

- тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

- юқорида қайд этилган шаклларни қушиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятнинг ва мулкдор билан булган муносабатларнинг храктеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хужалиқни тулик юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол-мулкни идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қуллаш йули билан фойдаланишига асосланади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг узига тегишли булган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

- тадбиркорнинг хужалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият махсулини таксимлашдаги мустакиллиги;
- тадбиркорнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хужалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларида катъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;
- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;
- даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан катъий назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб қўриқилганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан моддий жавобгарлиги.

1.2. Уй-жой ширкатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунларини тавсифи

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кўп квартиралли уйларда уй-жой фондиди биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартиралли битта ёки яқин, зич жойлашган,

ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

4-модда. Ширкат фаолиятининг асосий вазифалари ва принциплари

Ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва унинг сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан (бундан буён матнда умумий мол-мулк деб юритилади) фойдаланилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ширкатнинг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

- ихтиёрийлик;
- ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик;
- ўзини ўзи бошқариш;
- очиклик ва ошкоралик;
- ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;
- коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;
- уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш.

5-модда. Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори

Кўп квартирали уйдаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдоридир (бундан буён матнда жой мулкдори деб юритилади).

Жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

6-модда. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироқи улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

7-модда. Ширкатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ширкатларнинг ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари таъминланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, ширкатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- уй-жой соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан стандартлар қабул қилиш;
- коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;
- уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
- имтиёзлар ва кредитлар бериш;
- таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудалари бериш;
- кўп квартирали уйларни сақлаш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;
- доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкалари бериш;
- алоҳида дастурлар қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар кўриш.

8-модда. Ширкатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади.

Ширкатлар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп квартирали уйларда яшовчиларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиши масалалари ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

9-модда. Ширкатлар бирлашмалари

Ширкатлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тажриба алмашиш, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш,

ширкатларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фаолиятининг бошқа умумий масалаларини ҳал этиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) кириши мумкин.

1.3. Шахсий компьютерлар асосидаги АИЎ принциплари таҳлили

АИЎ, ёки чет эл терминалогиясидаги “ишчи станция” (workstation), у ёки бу касб мутахассисининг фойдаланувчининг бажарадиган маълум функцияларини автоматлаштириш учун зарур бўлган воситалари билан жиҳозланган ўрнидан иборатдир. Қоида бўйича, бундай восита зарурият бўйича, бошқа ёрдамчи қўшимча электрон қурилмалар билан, яъни диск жамламалари, босмага чиқариш қурилмалари, графика қурилмалари, бошқа АИЎ билан боғланиш воситалари ва локал ҳисоблаш тармоқлари ва ҳ.к.лар билан тўлдирилувчи воситалардир.

Дунёда энг кўп тарқалган АИЎ IBM PC архитектуралли шахсий компьютерлар асосида яратилгандир.

АИЎ асосан, ҳисоблаш техникаси бўйича махсус тайёргарликка эга бўлмаган фойдаланувчига мўлжаллангандир, АИЎ нинг асосий вазифаси ишчи ўринларида, маълумотларга тарқатилган ҳолда ишлов бериш, АИЎ локал тармоқлари ва ШК га бир вақтнинг ўзида кириш имконида, мос равишда “ўзининг” маълумотлар базасидан фойдаланиш, ва баъзида эса катта қувватга эга бўлган ЭҲМ ларни ўз ичига олган глобал ҳисоблаш тармоқлари билан уланишда ҳам “ўз” МБ дан фойдаланишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда, жуда кўп корхоналарда бошқаришнинг тақсимланган концепцияси амалга оширилади, уларда, иерархиянинг ҳар хил сатҳларида маълумотларга, локал, етарли даражада тўлиқ ва кўпинча тугалланган ишлов бериш назарда тутилади. Бу тизимларда, маълумотларнинг фақатгина, юқори

сатҳларида эҳтиёжга эга бўлган қисмигина юқорига узатилади. Бунда, маълумотларнинг ишлов беришган натижаларининг катта қисми ва бошланғич катталиклар локал маълумотлар базаларида сақланади.

Таксимланган бошқариш ғоясини амалга ошириш учун, бошқаришнинг ҳар бир сатҳи ва ҳар бир предмет соҳаси учун шахсий компьютерлар асосида АИЎ ни яратиш талаб қилинди. М-н, иқтисодиёт соҳасида, бундай АИЎ да режалаштириш, моделлаштириш, жараёнларни оптималлаштириш, ҳар хил ахборот тизимларида масалани ҳар хил ҳолатларида ечим қабул қилиш ишларини бажариш мумкин. Ҳар бир бошқариш объекти учун, унинг вазифасига қараб, мос АИЎ ни назарда тутиш керак. Аммо “ихтиёрий АИЎ ни яратиш принциплари умумий бўлиши керак”, яъни:

- тизимлилик;
- мосланувчанлик;
- қатъийлик;
- самаралилик.

Бу тушунчаларни ҳаммасини кўриб чиқамиз.

Тизимлилик. АИЎ нинг тузилиши функционал вазифасидан келиб чиқади.

Мосланувчанлик. Тизим модуллилик принципи асосида қурилган бўлгани учун, унинг элементлари стандартлашган бўлгани учун, ҳар хил ўзгартиришларга мослашган бўлиши керак.

Қатъийлик. АИЎ тизими, унга ички ва ташқи таъсирлардан қатъий назар, ўзининг асосий функцияларини бажариши лозим. Бу дегани, унинг алоҳида қисмларидаги бузилишларга қарамасдан, уларни тузатиш осон ва тизим ишловчанлиги тез тикланадиган бўлиши зарур.

Самарадорлик. АИЎ нинг яратилиши бу принципи, тизимни яратиш ва эксплуатация қилиш харажатларига тегишли бўлган, юқорида келтирилган принципларининг интеграллашган кўрсаткичидир.

АИЎ да фойдаланишда, агар функция ва юкламаларни инсон ва маълумотларга ишлов бериш воситалари (бунда компьютер тизим ядроси ҳисобланади) орасида тўғри тақсимланган ҳолдагина, яхши самара беради.

Ҳозирги вақтда бундай “гибрид” интеллект яратиш муаммодир. Аммо, АИЎ ишлаб чиқишда ва ишлатишда бундай ёндошиш амалга оширилганда, юқори натижаларга эришиш мумкин, чунки бундай ҳолда, АИЎ нафақат меҳнат унумдорлигини ошириш ва самарали бошқариш воситаси, балки мутахассисларнинг ижтимоий қулайлигини воситаси сифатида чиқади. Бу ҳолда, инсон АИЎ тизимида бош звено сифатида қолиши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналарида АИЎ лари, автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг муҳим ташкил этувчи қисми- яъни режалаштириш, бошқариш, маълумотларга ишлов бериш ва ечим қабул қилиш шахсий воситасидир.

АИЎ – бу ҳар доим махсуслаштирилган тизим бўлиб, аниқ мутахассисга: маъмурият, иқтисодчи, муҳандис, конструктор, лойиҳачи, архитектор, дизайнер, шифокор, ташкилотчи, тадқиқотчи, ва х.к., мўлжалланган, дастурий таъминот ва техник воситалар мажмуасидан иборатдир.

Шу билан бир вақтда, ихтиёрий касб АИЎ га, уни яратишда таъминланиши керак бўлган қатор талабларни келтириш мумкин:

- маълумотларни қайта ишлаш воситалари мавжудлиги;
- диалог (интерактив) режимида ишлаш имконияти мавжудлиги;
- эргономика асосий талабларини бажарилиши: функцияларни оператор, АИЎ комплекслари ва аторф-муҳим ўртасида рационал тақсимлаш, қулай иш шароитини яратиш, АИЎ тузилиши, қулайлиги, инсон-оператор психологик факторларини ҳисобга олиш, АИЎ формаси ва ранглари ёқимли ва уйғунлиги (дизайн) ва х.к.;
- АИЎ тизимларидаги ишловчи ШК нинг етарли даражадаги юқори унумдорлиги ва ишончилиги;

- ечиладиган масалалар характерига адекват (мос) бўлган дастурий таъминот;
- қийин, зерикарли жараёнларни максимал даражада автоматлаштириш;
- мутахассисларга, АИЎ операторлари сифатида ўз-ўзига хизмат қилишда оптимал шароитлар яратиш;
- ва мутахассисларнинг АИЎ дан фойдаланишдаги максимал қулайлик ва мамнунликни таъминлайдиган бошқа факторлар.

АИЎ ўз ичига -техник, ахборот, дастурий ва ташкилий тизимларни олади.

Техник тизимлар тўғрисида гапириб ўтдик, юқорида кўрсатилган техник воситалар мажмуасидан ташқари (АИЎ ни бевосита ташкил этувчилари), тармоғида ишлайдиган бошқа АИЎ билан боғланиш воситаларини ҳам кўшиш мумкин. (телефон, телекс, телефакс).

Ахборот тизимига локал маълумотлар базасида сақланувчи маълумотлар массиви ва маълумотлар базаларини бошқарув тизимлари ҳам киради.

Дастурий таъминот эса ўз ичига операцион тизимлар, хизматчи дастур, фойдаланувчилар стандарт дастурлари, АИЎ вазифасига қараб аниқ синфга мансуб масалаларни ечишга мўлжалланган ва модуллилик принципи асосида бажарилган амалий дастурлар пакетини ўз ичига олади. Зарурият туғилиб қолса, дастурий таъминотга, график маълумотлар билан ишлайдиган дастурлар пакети киритилади.

АИЎ нинг ташкилий таъминоти мақсади, уни ишлаш, ривожланиши, кадрлар тайёрлаш ва администрлашдир. Кейингисига (администрлашга): ишларни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат, таҳлил, тартибга солиш АИЎ ни фойдаланувчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларини хужжатлаштириш киради.

АИЎ нинг тил воситалари фойдаланувчи нуқтаи назаридан услубий воситаларни амалга оширишдан иборат бўлса, дастурий воситалар эса тил

воситаларини амалга оширади ва фойдаланувчига ҳамма керакли амалларни бажариш имконини беради.

1.4. АИЎ нинг тил воситалари

АИЎ тил воситалари энг авваламбор фойдаланувчи ҳаракатларига ШК рекциясининг мазмун жихатдан мослиги учун зарурдир, уларсиз ўқитиш жараёни, диалогни ташкил этиш, хатоларни топиш ва тузатиш мураккаблиги шундаки, улар асосан процедурали бўлмаслиги керак.

АИЎ тиллари ҳам фойдаланувчига мўлжалланган, ҳам касбга мўлжалланган бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида, фойдаланувчилар синфлари орасидаги фарқларга ҳам боғлиқдир, чунки улар нафақат эгаллаган мансаблари, касблари, билиш даражаси ва х.к.лар билан ҳам фарқ қилади.

АИЎ ни лойиҳалаштириш вақтида, АИЎ терминлари асосларини синфларга ажратиш, яъни тилнинг синтаксис тузилишларини терминлар орасидаги семантик муносабатларини аниқлашга олиб келади. Шу муносабат билан, АИЎ ни синфларга оддий ажратиш зарурияти келиб чиқади. Яъни, масалан, маълумотларни баъзи ишлов берувчи фойдаланувчи режимларида тасвирлаш имкониятлари бўйича: сонли, матнли ва аралаш. Мураккаб ҳолатларда, АИЎ ни синфлаштириш, маълумотлар базасини ташкил этиш билан аниқланади. Тил имкониятилари кўпинча фойдаланувчи формал конструкциялар қуриш учун ишлатадиган қоидалар рўйхатини ҳам белгилайди. М-н, баъзи АИЎ да ҳамма маълумот ва конструкциялар жадвал кўринишида белгиланади ёки махсус кўринишлардаги операторлар кўринишида белгиланади, яъни мос равишда жадвалли АИЎ ва функционал АИЎ.

Фойдаланувчи тиллари АИЎ ини диалог кўриниши билан ҳам синфларга ажратади. Диалог қўллаш воситалари тил конструкциясини белгилайди.

Битта АИЎ конструкцияси доирасида битта эмас, балки бир нечта диалог типлари, фойдаланувчи фаоллиги ошиб боришига боғлиқ равишда кўзда тутилиши мумкин.

Диалог типларига қараб, АИЎ ҳам синфларга ажратилиши мумкин. Энг кўп тарқалган диалог типларидан бири, бу меню типдаги диалогдир. Фиксирланган кадрли диалогда ШК жавоблар рўйхатидан жавобни танлайди.

Агар АИЎ га уларни амалга оширувчи дастур воситалари нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, уларнинг синфлари турли хил бўлиши мумкин. Улар дастурлаш тиллари бўйича синфларга ажратилиши мумкин.

АИЎ таркибига ҳар хил дастурий компоненталар, яъни асосий ҳисоб функцияларни таъминловчи ва диалогни ташкил этувчи, шу билан бирга маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, транслятор, маълумот тизимлари, маълумотлар базаси, диалог сценарийлари, бошқариш параметрларини ўз ичига олади.

АИЎ доирасида қўлланиладиган, АИЎ ини фойдаланувчи ривожланишни таъминловчи воситаларига нисбатан АИЎ ини икки катта синфга бўламиз: хизмат қилувчи ва интеллектуал. Униси ҳам, буниси ҳам ҳар турли фойдаланувчиларга мўлжаллангандир. Шу билан бирга, шундай фойдаланувчилар ҳам борки, улар у ёки бу АИЎ ининг фойдаланувчилари бўла олмайдилар. М-н., хизмат қилувчи ходимлар (иш юритувчилар, секретарлар) ўзлари бажарадиган ишлари хусусиятларига асосан, улар интеллектуал АИЎ га мухтож эмаслар.

Хизмат қилувчи АИЎ ташкилий бошқариш соҳаларида:

- ахборот маълумотли;
- ҳисоблаш;
- матн қайта ишловчи бўлиши мумкин.

Интеллектуал АИЎ ларини, авваламбор маълумотларга ва билимга мўлжалланган (даталогик ва факталогик) ларга бўлиниши мумкин.

Ҳисоблаш АИЎ ўз мазмунига кўра, кўп категорияли фойдаланувчилар томонидан қўлланилиши мумкин. Улар ёдамида, бир-бирига боғлиқ бўлган

ва бўлмаган, ташкилий-иқтисодий масалалар қўйилиши ва ечилиши мумкин ва АИЎ ишлаш жараёнида аниқланадиган ёки оқидндан аниқланган маълумотларни қидириш ва уларга ишлов бериш мумкин. Матн билан ишлайдиган АИЎ ҳар турдаги матнли маълумотларга ишлов бериш ва генерация қилишга мўлжалланган, бунда матн семантик жиҳатдан таҳлил қилинмайди.

Интеллектуал АИЎ (даталогик типдаги) фойдаланувчиларнинг тиллари ва МБ дан кенг фойдаланишга мўлжаллангандир. Бунда фойдаланувчи мустақил равишда МБ ни ва тилни ўзгартириши, ва диалог имкониятлари турил тарзда фойдаланишлари мумкин.

Бундай АИЎ да, билимлар базаси йўқдир, бошқарилувчи объект у ёки бу хоссасини тушунтиришни таъминловчи қоидаларни тўплаш мумкин эмас. Билимлар базаси, таркибий қисм сифатида факталогик типдаги АИЎ га киради. Факталогик АИЎ лари, асосан улар ёрдамида олиб бориладиган иш ёйғилган тажриба ва улар асосида чиқариладиган мантиқий хулосага асосланади.

Автоматлаштирилган ташкилий бошқарув доирасида амалга ошириладиган бир нечта асосий функцияларни ажратамиз:

- интерпретация (предмет соҳаси факт ва маълумотларни таҳлил ва тавсиф қилиш, яъни улар орасидаги ва тизим орасидаги боғланишни ўрнатиш учун);
- диагностика (бошқарувчи объект ҳолатини тавсифлаш, қидириш ва аниқлаш);
- мониторинг (АИЎ нинг ишлашини узлуксиз кузатиш ва олинган натижаларни фиксирлаш);
- режалаштириш (ҳаракатларнинг белгиланган кетма-кетлигини таъминлаш);
- лойиҳалаш (фойдаланувчи интерфейсини ва ривожланишини таъминлаш).

1.5. АИЎ ни синфларга ажратиш

АИЎ лари индивидуал, гуруҳли ва жамоали бўлиши мумкин. Гуруҳли ва жамоали АИЎ га нисбатан ШК нинг самарали ишлаши мақсадида, мутахассислар (жамоа), АИЎ и ишини ташкил этишга талабни қатъий қўйиш ва бундай тизимда админстрлашни аниқ белгилаш зарур.

АИЎ тизими, “инсон-машина” тизими бўлганлиги учун, очик бўлиши, мосланувчан бўлиши ва доимий ривожланишга ва мукамаллашишга мўлжалланган бўлиши керак. Бундай тизимда қуйидагилар таъминланиши зарур:

- мутахассисларни, маълумотларга ишлов берувчи машина воситаларига максимал яқинлаштириш;
- диалог режимида ишлаш;
- АИЎ ни эргономик талабларига мос равишда жиҳозлаш;
- компьютернинг юқори даражада унумдорлиги;
- қийин ва машаққатли жараёнларни максимал равишда автоматлаштириш; меҳнат шароитларидан маънавий қониқиш ҳосил қилиш; мутахассисларнинг ижодий фаоллигини оширувчи шароит яратилиши.

АИЎ ечадиган масалаларни шартли равишда ахборот ва ҳисоблаш масалаларига бўламиз.

Ахборот масалалари, бу кодлаштириш, синфлаштириш, йиғиш, структурали ташкил этиш, коррективровка, сақлаш, маълумотни қидириш ва чиқариш. Кўпинча ахборот масалалари ўз ичига, мураккаб бўлмаган арифметик ва текст характерига эга бўлган мантиқий процедура ва мураккаб бўлмаган ҳисоблашларни ўз ичига олади, шу билан бирга муносабатларни (боғланишларни) ҳам ўз ичига олади. Ахборот масалалари, қоида бўйича, энг мураккаб ва мутахассисларнинг иш вақтларини катта қисмини ўз ичига олади.

Ҳисоблаш масалалари –формаллаштириладиган ва тўлиқ формаллаштирилмайдиган бўлади.

Формаллаштириладиган масалалар, формал алгоритмлар ёрдамида ечилади ва икки гуруҳга бўлинади: тўғри ҳисоб билан ечиладиган ва математик моделлар ёрдамида ечиладиган масалалар. Тўғри ҳисоб билан ечиладиган масалалар оддий алгоритмлар ёрдамида ечилади. Мураккаб бўлган масалалар учун турли математик моделлардан фойдаланилади.

Кейинги вақтда, тўлиқ формаллаштирилмайдиган, семантик деб аталувчи масалаларга катта эътибор берилмоқда. Бундай масалалар кўпинча иқтисодий объектларни оператив тарзда бошқариш вақтида, айниқса маълумот тўлиқ бўлмаган ҳолда ечим қабул қилишда юзага келади. АИЎ тузилиши – бу унинг тизимлари ва элементлари йиғиндисидир. Таъминловчи тизимларга биринчи навбатда: техник, ахборот, дастурий ва ташкилий тизимларни мисол қилиш мумкин.

Техник таъминот –бу техник воситалар комплекси, унинг асоси шахсий компьютердир, унда мутахассис воситачиларсиз ўзи ишлайди. Гуруҳ АИЎ да, бундай компьютерлардан 4-6 та одам фойдаланиши мумкин. Бундай ШК таркибига процессор, дисплей, клавиатура, маълумот жамғармалари, босмадан чиқариш қурималари ва графопостроителлар киради.

Техник воситалар комплексига тармоқдаги турли АИЎ ни боғлаш учун коммуникация воситалари киради.

Ахборот таъминоти-бу локал маълумотлар базасида сақланадиган маълумотлар асосан, магнит дискларида ташкил қилинади ва сақланади. Уларни маълумотлар базасини бошқариш тизимлари ёрдамида дастур ёрдамида бошқарилади. Бу дастур, маълумотларни ёзади, қидиради, ўқийди, тузатади ва ахборот масалаларини ечади. АИЎда бир нечта база бўлиши мумкин.

Ташкилий таъминот, АИЎ ни ривожлантириш, мукамаллаштириш, ва ишлашини ташкил этиш методлари ва воситаларини ўз ичига олади.

Гуруҳли ва жамоа АИЎ да, ташкилий таъминот тизимига АИЎ администрлаш функциялари киради: лойихалаш, режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат, таҳлил, тартиблаш, тизимлар билан боғланиш ва х.к.

Ташкилий таъминот, АИЎ фойдаланувчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва ҳужжатларини тузишни ўз ичига олади.

Дастурий таъминот: тизимли дастурий таъминот ва амалӣ дастурий таъминотни ўз ичига олади. Тизимли дастурий таъминот асосини операцион тизим ва дастурлаш тизими ташкил этади.

Тизимли дастурлар, маълумотларга ишлов беришнинг рационал технологиясини таъминлайди. Сервис дастурлари деб аталувчи дастурлар, улар зарурият.

1.6. Масаланинг қўйилиши

Битирув-малакавий ишини бажаришдан мақсад, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати учун ахборот тизимини яратишдир. Бунинг учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари учун автоматлаштирилган ишчи ўрни, маълумотлар базаси яратилади.

Бу маълумотлар базаси шу хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли.

1. Хонадонлар ҳақида маълумотлар.

- уйлар категорияси

- уйлар

-хонадонлар

-хонадонлар тартиб рақами

-хонадон эгаси

-хонадон майдони.

2. Ҳозирги вақтда шахримизда 4 хил категориядаги уйлар учун эксплуатация харажатлари тарифлари маълумотларини ўз ичига олади:

- кўрсаткичлар-электр энергияси учун;

- территорияни ободонлаштириш;
- жорий таъмирлаш;
- банк хизмати;
- касса хизмати;
- АУП таъминлаш (шу жумладан ижтимоий суғурта);
- капитал таъмирлаш учун жамғариш;
- умумхўжалик харажатлари.

Уй категориясига мос равишда – лифт, подъезд, подвал, коридорларга қараб туриш харажатлари ҳисобга олинади.

Тизим учун яратилаялган маълумотлар базаси учун:

- маълумотларни киритиш;
- маълумотларни олиб ташлаш;
- маълумотларни ўзгартириш;
- босмага чиқариш;
- маълумотларни саралаш;
- маълумотларни тартибга солиш;
- маълумотларни ажратиш;
- ҳисобот қилиш

амалларини бажариш мумкин.

Ҳар бир хонадхон учун хонадон ҳажмига қараб белгиланган меъёрлар бўйича тўловларни ҳисоблаш кўзда тутилган бўлиши керак. шу билан бирга меъёрий кўрсаткичларни вақти-вақти билан ўзгариб туриши, ва имтиёзли шахслар имтиёзларини ҳисобга олганда, ҳисоблаш модулини яратиш керак.

Кириш маълумотлари:

- хонадон ҳақида маълумотлар (квартал, уй, хонадон ҳажми, хонадон эгаси);
- фойдаланиш харажатлари учун меъёрий маълумотномаларни ҳисоблаш;

Чиқиш маълумотлари:

- қарздор хонадонлар ҳақида маълумотнома;

- қарздор хонадонлар ҳақида ҳисоботлар;
- имтиёзли шахслар ҳақида маълумотлар;
- сўровномалар бўйича маълумотлар;
- кўрсатилган хизматлар ҳақида ҳисоботлар.

Тизим техник ва дастурий таъминотига қўйиладиган талаблар:

- 266 МГц ва ундан катта частотали процессор;
- 32 МБ дан кичик бўлмаган оператив хотира;
- объектга йўналтирилган С# тили.

Бундан ташқари бу тизим “Махалла” ахборот тизими билан биргаликда ишлаш имконияти кўзда тутилган бўлиши керак.

II АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Дастурлаш муҳити

Microsoft Visual Studio 2005 муҳитида ишлаш.

- Microsoft Visual Studio 2005 дастури Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастур дастурчилар учун мўлжаллангандир. Бу дастур ёрдамида қуйидаги дастурлаш тилларида дастурлашни амалга ошириш мумкин:

- Visual Basic .NET
- Visual C# .NET
- Visual C++ .NET
- Visual J# .NET




- Microsoft Visual Studio 2005 дастури ёрдамида Windows муҳити учун, телефонлар учун ва тармоқлар учун Web дастурларни яратиш мумкин. Microsoft Visual Studio 2005 муҳитида Visual C#, Visual Basic, Visual J# тиллари ёрдамида Web дастурларни ва Visual C#, Visual Basic, Visual J#, Visual C++ тиллари ёрдамида Windows муҳити учун дастурлар яратиш мумкин.
- Visual Basic .NET - Microsoft Visual Studio 2005 таркибидаги энг самарадорлиги катта дастурлаш тиллардан бири бўлиб, бу дастурлаш тилини тўлиқ объектга йўналтирилган дастурлаш тили деб айтишимиз мумкин. Visual Basic .NET дастурлаш тили ёрдамида Windows иловаларини ва Web иловаларни яратиш мумкин.
- Visual C# .NET - Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурлаш тили айнан .NET платформаси учун ишлаб чиқилган. Visual C# .NET дастурлаш тили имкониятлари бошқа

объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари(C, C++, Java ва Delphi)дан анча кенг бўлиб, бу дастурлаш тилида Visual Basic .NET каби Windows иловаларини ва Web иловаларни яратиш мумкин.


- Visual C++ .NET дастурлаш тили паст сатҳдаги дастурчи учун иловаларни бошқаришда талаб қилинади. .NET платформасининг Visual C++ дастурлаш тили бошқа дастурлаш тилларидан шу билан фарқ қиладики, бу дастурлаш тили .NET платформасининг кодли модели (managed code model) ва Windows (unmanaged native code model) кодли моделини қўллаб қувватлайди.
- Visual J# .NET - Microsoft .NET платформаси учун Web-сервис ва иловалар яратувчи Java-дастурчилари ишлатиши мумкин. Visual J# .NET дастурлаш тили.

Microsoft Visual Studio 2005 дастури билан ишлаш


- Microsoft Visual Studio 2005 мухитида Windows мухити учун дастур тузиш қуйидагича амалга оширилади:
- Microsoft Visual Studio 2005 дастури юкланади, File менюсининг New бўлимидан Project банди танланади.



Сўнгра дастур тоифасини ва дастурлаш тилини танлаш ойнаси очилади, яъни қуйидагича:




Дастур тоифасини ва дастурлаш тилини танлаш ойнаси.




Ушбу ойнадан дастурлаш тили ва дастур тоифаси танланади ва ОК тугмаси босилади ва натижада қуйидагича дастур формаси, ускуналар панели ва хусусиятлар панели ҳосил бўлади. Ускуналар панелида дастурни яратиш учун керакли компоненталар мавжуд бўлиб, уларни дастурга сичқонча ёрдамида қўшиш мумкин. Хусусиятлар панелида эса танланган форма ёки компонентанинг хусусиятлари акс этади.

Янги формага BUTTON компонентасини жойлаштирамиз ва унга «Тугма» деб ёзамиз. «Тугма»га, у босилганда дастурни ёпиш буйруғини юклаймиз.

Ускуналар панелидан BUTTON компонентасини формага жойлаштирамиз




BUTTON компонентасининг хусусиятлар панелидан Text хусусиятига “Тугма” ёзуви ёзилади(5-расм) тугма устига сичқонча чап тугмасини икки марта босиш орқали унга Visual C# дастурлаш тилида “дастурни ёпиш” буйруғи юкланади




BUTTON компонентасининг хусусиятлар панелидан Text хусусиятига “Тугма” ёзуви ёзилиши
 “Тугма” устига сичқонча чап тугмасини икки марта босиш орқали унга “дастурни ёпиш” буйруғи юкланиши.


Худди шу кўринишда унга Visual Basic, Visual J#, Visual C++ дастурлаш тилларида ҳам дастур кодларини ёзиш мумкин фақат дастур тоифаси ва дастурлаш тилини танлашда керакли тилни танлаш лозим.



Microsoft Visual Studio 2005 мухитида Web саҳифалар ва Web саҳифалар учун дастурлар тузиш қуйидагича амалга оширилади: Microsoft Visual Studio 2005 дастури юкланади, File менюсининг New бўлиmidан Web Site банди танланади



Сўнгра Web саҳифани яратиш технологияси ва дастурлаш тилини танлаш ойнаси очилади



2.2. Дастурлаш технологияси. C# тили

Microsoft фирмасида C# тилини яратишларига бошчилик килган Андерс Хиджисберг, уз олдида куйилаган максадларини куйидагича аниқлаган эди:

- СИ оиласига тегишли булган компоненталарга йуналтирилган биринчи тилни яратишдир;
- ихтиёрый мохият объект сифатида белгиланадиган объектга йуналтирилган тилни яратиш;
- C++ ни, унинг асосий конструкцияларини ва кувватини саклаган холда, соддалаштириш;

Бу тадқиқотлардаги асосий янгилик, эълон килинган, тилнинг компоненталарига йуналтирилганлиги билан боғлиқдир. Компоненталар, иловаларни модуллар сифатида яратиш муаммосини янги даражада хал қилиш имконини берди. Компоненталарни қуриш одатда, фақат тилга боғлиқ булмасдан, балки шу тил реализация қилинган платформага ҳам боғлиқдир.

.NET платформаси - бу қуп тиллик мухут булиб, унга нафақат Microsoft эмас балки бошқа фирмалар томонидан яратиладиган тиллирни

хам осон ва бемалол куйиш учун очикдир, .NET платформасига кушиладиган барча тиллар, .NET Framvork ролини уйнайдиган ягона каркасга таяниши керак. Бу нафакат жиддий чегараланиш, балки, бир вақтнинг узида мухум устунлиғни хамдир.

Бу мухитда яратилган иловаларнинг купчилиги асосида, MFC синфлар кутубхонаси асосий ролни уйнаган иловалар корхонаси ётади. Бу янги лойиха, яъни MFC-EXE, Activex ёки DU яратилганда берилган хусусиятларга эга булган лойихани куришга зарур булган лойихалар каркастан танланади. Танланган синфлар кутубхонаси уз ичига олади. У каркасга кировчи, ихтиёрий кутубхоналар бажарадиган вазифаларини бажаради. Кутубхона мавзулар буйича гурухларга бирлаштирилган талай интерфейс ва синфларни уз ичига олади. Хар бир гурух номлари макоми билан аникланади. Кутубхоналар синфлари, мерос колдириш муносабати билан боғланадир хамма синфлар, System.Object синфи меросхурларидир. Синфлар кутубхонаси учун, худди C# тили синфлари учун хам куплик мерос колдириш аникланмаган.

Синфлар кутубхонаси- корхонасининг статик ташкил этувчисидир. .Net Framework да динамик ташкил этувчи хам мавжуддир - бу бажарилиш мухитини аниклайдиган тизимдир – CLR (Common Langvage Runtime)

Бу мухит ахамияти жуда катта, чунки унинг вахифаси хотирани бошкариш, окимларни бошкариш ва х.к.лар киради. C# тулик маънода, CLR имкониятидан фойдаланишга имкон беради. C#да яратилган код хавфсиздир. Агар сиз C# да дастурлаш услубига тулик риоя уилсангиз, ёзилган код хотира мурожаатни тугри олиб беради. Умуман шуни кайд килиш лозимки, .Net Framework, иловаларини куп тиллик ишлаб чикиш мухитни хосил килади ва асосан компанентали дастурлашга мулжалланган. .Net Framework нинг хамма имкониятларига тулик жавоб берадиган дастурлаш тили C# дир. Унинг асосий устунлиги .NET Framework имкониятлари билан мослиги ва шундан келиб чикадиган компанентага йуналтирилганлигидир.

C# тили – тўлиқ функционалли объектга мўлжалланган тил бўлиб, у объектга мўлжалланган дастурлашнинг 3 та асосий устунларини қўллайди: инкапсуляция, наследование ва полиморфизм (классик ва аниқ холатлар учун)

C# тили устунликлари.

.NET платформаси учун махсус равишда янги дастурлаш тили C# ишлаб чиқилди. C# бу дастурлаш тили бўлиб, унинг синтаксиси Java синтаксисига жуда ўхшайди (аммо у билан бир хил эмас). Масалан, C# да (Java даги каби) синф аниқлавчиси битта файлдан (.cs) иборатдир, бу эса ўз навбатида C++ дан фарқ қилади, C++ синф аниқловчиси сарлавха (*.h) ва унинг реализацияси (*.cpp) га бўлинади. Аммо C# тилини Java - “клони” деб аташ нотўғридир. C# тили ҳам, Java тили ҳам синтаксис конструкцияларига асосланган. Агар Java ни хар томонлама C++ тилининг мукаммаллашган версияси деб қарасак, у холда C# тилини эса Java нинг мукаммаллашган версияси деб қараш мумкин.

C# тилининг синтаксис конструкциялари, нафақат C++ дан балки Visual Basic дан ҳам мерос қилиб олинган. Масалан, C# тилида ҳам, Visual Basic да ҳам синфлар хоссалари фойдаланилади. C++ тили ҳам, C# тили ҳам яратилган типларга бажариш имконини беради. C# тили ҳақиқатдан ҳам бир нечта тиллар гибриди дир. Шу билан бирга у, синтаксис жихатдан Java га нисбатан мукаммал Visual Basic каби содда, худди C++ га ўхшаш мосланувчан ва қувватлидир.

C# тилининг асосий хусусиятлари.

- кўрсаткичлар энди керак эмас. C# дастурларида қоида бўйича улар билан ишлаш зарурияти йўқдир (аммо агар сиз улар билан ишламоқчи бўлсангиз марҳамат, кўрсаткичлар билан ишлаш имкониятиингиз мавжуд.

Алохида конструкцияларнинг семантикаси, синтаксисида фарқлар мавжуддир.

Хотирани бошқариш ва кўрсаткичлар. C++ тилида кўрсаткичлар билан ишлаш асосий ўринлардан бирини эгаллайди. C# эса дастурлашнинг стили бошиданок хавфсиз код ёзилишини назарда тутаяди, шунинг учун ҳам, кўрсаткичлар, адресли арифметика хотирани тақсимлашни бошқариш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. C++ да кўрсаткичлар билан ишлаш “хавфли блоклар” билан боғлиқдир. Бундай кодлар билан ишлаш C# да кўзда тутилмаган. Чунки бундай ҳолда купроқ дастурни хотира билан қоида бўйиса ишлашини кузатишга эътибор бериш керак бўлади. Акс ҳолда дастур функцияларига эътибор берамиз.

Мерос олиш ва шаблонлар. C++ учун энг муҳим бўлган кўплик мерос қолдириш ва шаблонлар, C# да амалга оширилмаган. Кўплик мерос қолдириш C# да фақат интерфейс учун ҳосдир.

Маълумотлар типлари. C# да типларнинг принцип жиҳатдан янги синфлаштириш пайдо бўлди, у типларни ахамиятли ва кўрсаткичли типларга бўлади. Демак бу типдаги объектлар билан ишлаш учун, ҳар хил усуллар қўлланилади. Бу тилда ўзгарувчилар ва объектлар ўртасида фарқ йўқотилган. C# да ўзгарувчилар ҳам объектлардир ва улар ягона аждод System.Object синфига эгадир.

Структуралар. C++ да структуралар синфларга ўхшашдир, фақат салгина фарқ қилиши мумкин. C# да эса, синф билан структура ўртасида фарқ каттадир, структуралар меросхурларга эга эмас, синфлар кўрсаткичли типларга, структуралар эса – ахамиятли типларга ҳосдир.

Массивлар. C# тилида, массивлар билан ишлаш ва мумтоз массивларни эълон қилиш, қўшилган синфлвр ёрдамида олиб борилади. C# тилида массивлар билан ишлаш хавфсиздир, чунки массив чегарасидан чиқиш назорат қилинади (хавфсиз коддан фойдаланиш шарти билан).

Синфлар бу тиллар орасида синф хоссаларини очишда фарқ бор. C++ тилида хосса тушунчаси умуман йўқдир, C# тилида процедура – хоссалар get ва set киритилган. C# тилида синфлар хоссаларига мурожаат, маълумотларга мурожаатга ўхшашдир.

C# да дастур тузилиши

C# даги дастур битта ёки бир нечта файллардан иборатдир. Хар бир файл, битта ёки бир нечта номлар маконини уз ичига олади. Хар бир ном макони, уз ичига бир канча ном ва тилларни, яъни синфлар, структура, интерфейслар, санаб утиш ва делигатлар- функционал типлардан иборатдир.

Visual Studio мухитида янги лойиха яратишда лойиханинг 10 хил мумкун булган тиллардан бири танланади. Масалан: Windows Application, Class Library, Web control Library, ASP.NET Application ва х.к.лар танлаш натижасига караб, автоматик тарзда лойиха каркаси тузилади. купгина муаллифлар C# ва C++ тиллари боғланишини таъкидлайдилар,

2.3. Фойдаланувчига қўлланма

Бу дастур Мисрософт фирмасининг маҳсулоти бўлган Висуал Студио 2005 дастурлаш мухитинг C# (шарп) тилида ёзилган. Бу тилнинг афсаллиги шундан иборатки, C# тилида база, интерфейс (кўриниш) лар билан ишлаш жуда қулайдир. Қулайликлари шундан иборатки, C# дастурлаш тилида база билан ҳам, Windows ОС ойналари билан ҳам ишлай оладиган объект (компонент) лар кўплиги, ва кўшимча компонент ёзиш имконияти мавжуддир.

Яна кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, C# дастурлаш тили Windows ОС нинг ҳамма қулайликларидан фойдалана олишидир.

База ҳам Мисрософт фирмасининг маҳсулоти Мисрософт Оффисе дастурлар тўпламинг ичига кирувчи Мисрософт Ассесс да тузилган. Буни танлашимдан мақсад, Мисрософт фирмаси маҳсулотлари бир бирига боғланиш имконияти жуда кенг. Бундан ташқари C# дастурлаш тилида Мисрософт Ассесс база билан ишлайдиган жуда кенг қулайликка эга бўлган компонентлар мавжуд.

Базада қуйидаги жадваллар мавжуд:

“категория_тури” – бу жадвал ўзида категори турларини сақлайди.

категория_тури : табица			
	kat_type_id	title	parent
▶	1	Оплата за элек	0
	2	Благоустройст	0

Устунлар:

1	кат_типе_ид	Санагич	Ҳар бир категорияга турига берилган такрорланмас сон
2	тиле	Матн	Шу категория турининг матни Бирон бир категория турнинг ичига тегишлилигини аниқлайдиган сон. (умуман ота категория юрининг ид си)
3	парент	Сон	

“категориялар” – хонадонларга тегишли бўлган хона категорияси ҳақидаги маълумотни ўзида сақлайди.

категориялар : табица					
	kat_id	kat_type_id	kat_turi	foiz	miqdori
▶	1	1	3	14	16,56
	2	2	3	12	14,19
	3	3	3	28	33,11
	4	4	3	3	3,55

Устунлар:

1	кат_ид	Санагич	Ҳар бир категорияга берилган такрорланмас сон
2	кат_типе_ид	Матн	Категория турига боғлайдиган сон
3	кат_тури	Сон	Қайси категориялигини аниқлайдиган сон
4	фоиз	Ҳақиқий сон	Шу категорияга ажратилган миқдорнинг фоиздаги қиймати
5	миқдори	Ҳақиқий сон	Ажратилган миқдор

“туловлар” – бу жадвал ўзида хонадонларнинг берган суммаларини яъни шу хонадондан қайси категория қанча берганлиги ҳақида маълумот сақланади.

туловлар : табица						
	tulov_id	xona_id	kat_type_id	summa	oy	yil
▶	(Счетчик)	0	0	0	0	0

Устунлар:

1	тулов_ид	Санагич	Туловларга берилган такрорланмас сон
---	----------	---------	--------------------------------------

2	хона_ид	Сон	Туловни амалгам оширган хонадон ид си
3	кат_типе_ид	Сон	Категория тури жадвалига боғлайдиган сон
4	Сумма	Ҳақиқий сон	Берган сумма
5	ой	Сон	Қайси ойга берилганлиги
6	йил	Сон	Қайси йилга берилганлиги

“хизматлар” – бу жекнинг ўзининг қўшимча хизматларини сақлайдиган жадвал.

	xiz_id	nomi	turi	qiymati
▶			<input type="checkbox"/>	
*	(Счетчик)		<input type="checkbox"/>	0

Устунлар:

1	хиз_ид	Санагич	Хизматларга берилган такрорланмас сон
2	номи	Матн	Хизмат номлари
3	тури	Мантиқий	Пуллик ёки пуллик эмаслиги ҳақида маълумот
4	қиймати	Ҳақиқий сон	Пуллик хизматнинг миқдори


“хонадонлар” – хонадонларнинг рўйхати ва шу хонадонга тегишли бўлган маълумотларни сақлайди.

	xona_id	kat_turi	kvartal	uy	xonadon	uy_egasi	maydoni	ruy_soni
+	1	1	4	83	19	Abduraim	5,2	5
+	2	3	6	85	6	Rahimboy	5	1

Устунлар:


1	хона_ид	Санагич	Хонадонларга берилган такрорланмас сон
2	кат_тури	Сон	Хонадон категориясини билдирадиган сон
3	квартал	Сон	Хонадон манзили квартали
4	уй	Матн	Хонадон жойлашган уй номи
5	хонадон	Сон	Хонадон рақами
6	уй_егаси	Матн	Шу хонадон эгаси
7	майдони	Ҳақиқий сон	Хонадон ўлчами
8	руй_сон	Сон	Шу хонадондаги яшовчилар сони

Дастурнинг асосий ойнаси қуйидаги кўринишдадир.




Ойнада 4 та меню, 5 та тугмадан ва контен менюдан иборатди.



Менюлар:




“Категория турлари” – бу меню номига мос категори турларини қўшади, ўчиради ва ўзгартиради. Бу меню қуйидаги ички менюлардан иборат:



“Қўшиш”, “Ўчириш”, “Ўзгартириш” менюларини танласангиз номига мос ҳолда қуйидаги бир хил тузилишдаги ойна очилади.







Бу ойнадаги listbox да катагория турлари жойлашади. Чапда-пастдаги combobox да эса listboxда танланга категория турининг отаси (парент) кўрсатилади. Агар “-” бўлса у категория турнинг ўзи оталик қилишини билдиради.

Ойналарда ўзгартириш, ўчириш listbox да танланганига қараб, кўшиш эса combobox ва техбох лар асосида амалгам оширилади.

“Категория” менюсида ҳам учта кўшиш, ўчириш ва ўзгартириш ички менюларидан иборат бўлиб, унда ҳам бир хил тузилишдаги лекин танланганига қараб қуйидаги ойна очилади.




Ўчиришда “Категория” танланади



ва “Ўчириш” тугмаси танланади.

Ўзгартиришда эса очилган ойнадан категория танланади ва худди тепадаги виевгридда худди кўшишга ўхшаб қийматлар ўзгартирилади ва “Ўзгартириш” тугмаси танланади.



“Хизматлар” менюсида эса жек хизматларини кўшиш, ўчириш ва ўзгартириш имконияти мавжуд. Шу менюлардан биттасини танласангиз қуйидаги кўринишдаги ойна чиқади.




Ўзгартириш ва ўчириш худди шу ойнада listboxни танлаш орқали амалга оширилади.

“Хонадон” менюсида эса номига мос хонадонларни қўшиш, ўчириш ва ўзгартириш мумкин. Хонадон қўшиш, ўчириш ва ўзгартириш расмдаги иккита ҳолатда амалга ошириш мумкин.

1. “Хонадон” менюси орқали танлаш
2. Контенли менюдан танлаш орқали амалга ошириш мумкин.




Бу ҳолларда қуйидаги кўринишдаги ойна очилади.




